

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ВОЯГА ЕТМАГАН
ШАХСЛАРГА ОИД ҚОНУНЧИЛИГИ ТАКОМИЛЛАШУВИНИНГ
ТАҲЛИЛИ**

Чориева Хуршидабону Хуррам қизи,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Ижтимоий фанлар факультети
Хуқуқий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси
Email: choriyevahurshida@gmail.com

Аннотация: мазкур тезисда Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаган шахсларга оид қонунчилиги такомиллашувининг таҳлили олиб борилади.

Калит сўзлар: вояга етмаган шахслар, такомиллашув, қонун, етим болалар.

**ANALYSIS OF THE IMPROVEMENT OF THE LEGISLATION
REGARDING MINOR PERSONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

Chorieva Khurshidabonu Khurram's kizi,
Senior teacher of the department of legal sciences
of the faculty of social sciences
of National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Email: choriyevahurshida@gmail.com

Abstract: this thesis analyzes the improvement of the legislation of the Republic of Uzbekistan on minors.

Key words: minors, development, law, orphans.

**АНАЛИЗ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ОТНОСИТЕЛЬНО
НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ ЛИЦ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

Чориева Хуршидабону Хуррам кизи,
Старший преподаватель кафедры юридических наук
факультета социальных наук

Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Электронная почта: choriyevahurshida@gmail.com

***Аннотация:** в данной диссертации анализируется совершенствование законодательства Республики Узбекистан о несовершеннолетних.*

***Ключевые слова:** несовершеннолетние, развитие, право, дети-сироты.*

Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳар бир жамиятнинг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, етим болалар ва ота-онасининг васийлиги остида бўлмаган вояга етмаган шахслар учун васийлик ва ҳомийлик институтлари мавжуд. Ушбу ҳуқуқий институт уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, тарбиялаш ва ижтимоий ҳаётга тайёрлашда муҳим рол ўйнайди. Вояга етмаган шахслар ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга муҳтож қатламлардан бири, десак асло муболаға бўлмайди. Улар учун васийлик ва ҳомийлик органлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳамда халқаро амалиётда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш лозимки, вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бугунги янги Ўзбекистонда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда, бу соҳага оид қонунчилик базаси мустаҳкамланмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги “Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-185-сон Фармони қабул қилинди¹.

Мазкур Фармон билан болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Ҳужжатнинг мақсади – етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган, зўравонликдан жабрланган ва оиладан олинган болаларни (ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар) жойлаштиришнинг муқобил шаклларини такомиллаштириш, шунингдек етим ва ота-она қарамоғисиз қолган ёшларни жамиятга интеграциялашувини таъминлашдан иборат.

Қуйида мазкур Фармонда етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган, зўравонликдан жабрланган ва оиладан олинган болаларга доир қонунчиликка киритилиги белгиланаётган нормаларни таҳлил қилиб чиқамиз.

Фармонда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича **давлат сиёсатининг устувор йўналишлари** сифатида қуйидагилар белгиланди:

- етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган, зўравонликдан жабрланган ва оиладан олинган болаларни оилавий муҳитда тарбиялаш, оилаларни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликдан чиқаришда кўмаклашиш орқали ижтимоий етимликнинг олдини олиш;
- етим болаларни жамиятга интеграциялашувига қаратилган хизматлар кўламини кенгайтириш;
- етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ихтисослаштирилган тарбия муассасаларига жойлаштириш

¹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.11.2024 й., 06/24/185/0944-сон // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/7228799>

кўринишидаги муқобил жойлаштириш шаклини босқичма-босқич деинституционализация қилиш ва бошқалар.

Шунингдек, Президент Фармонида болаларнинг энг яхши манфаатларидан келиб чиққан ҳолда уларни **жойлаштиришнинг** қуйидаги **муқобил шакллари** белгиланди:

- васийлик ва ҳомийликни белгилаш;
- болани фарзандликка олиш;
- қабул қилувчи (фостер) оилага бериш (оилага тарбияга олиш (патронат), шунингдек оилавий турдаги болалар уйларига (қисқа муддатли, узоқ муддатли ёки ихтисослаштирилган жойлаштириш);
- ихтисослаштирилган тарбия, соғломлаштириш ва тиббий-ижтимоий муассасаларга жойлаштириш².

2025 йил 1 январдан бошлаб кам таъминланган оилалардан болаларни меҳрибонлик уйлари ва болалар уйларига вақтинча қабул қилиш бекор қилинади. Бунда ҳоким ёрдамчилари ва ижтимоий ходимлар “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида оилаларни камбағалликдан чиқариш чораларини кўради.

Бундан ташқари, **2025 йил 1 февралдан бошлаб** фарзандини тарбиялашдан воз кечмоқчи бўлган оналар, шу жумладан, ҳомиладор аёллар учун болалар уйларида “Оналар маскани” хизмати йўлга қўйилади.

“Оналар маскани”да:

²Электрон манба:

https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/ijtimoiy_himoyaga_muhtoj_bolalarni_joylashtirishning_muqobil_shakllari_joriy_etilmoqda

– оналар ва уларнинг болалари (4 ёшга тўлмаган) 1 йилгача бўлган муддатга ижтимоий шартнома асосида вақтинча бошпана билан таъминланади;

– ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва тиббий хизматлар кўрсатилади, оналик ва касбий кўникмалар шакллантирилади;

оналарнинг касб-ҳунар эгаллаши ва бандлигини таъминлашга кўмаклашади.

Хусусан, оғир турмуш шароитига тушиб қолган оналар ва уларнинг болаларига (4 ёшга тўлмаган) ижтимоий шартнома асосида 1 йилгача муддатга вақтинча бошпана берилади, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари эса, уларга касб эгаллашда ёрдам беради.

Шу билан бирга, Фармонга кўра, **2025 йил 1 мартдан** Камбағал оилалар реестрига киритилган, расмий банд бўлган ёлғиз оналарга (оталарга) Давлат ижтимоий ҳимоя жамғармаси маблағлари ҳисобидан бола (болалар) уч ёшга тўлгунга қадар мактабгача таълим хизматларидан фойдаланиш учун бир болага 1,5 БҲМгача моддий ёрдам кўрсатилиши белгиланди.

Бунда агар болалар эгизак бўлса, моддий ёрдам эгизакларнинг ҳар бирига ажратилади.

Етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни аниқлаш, шунингдек бундай болалар ва уларни муқобил жойлаштириш шаклларида бири бўйича қабул қилишни истаган шахслар ҳисобини юритиш “**Ягона миллий ижтимоий ҳимоя**” ахборот тизимида (ЯМИҲ АТ) амалга оширилади. Номзодлар ЯИДХПга ариза топшириши мумкин.

Шунингдек, оилавий турдаги болалар уйларини ташкил этиш учун тўлиқ оила (эр ва хотин) бўлиши талаби бекор қилинади. Уларни 30 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқароларига ҳам ташкил этишга рухсат берилади.

Бунда ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар оилага тарбияга олиш (патронат) учун фақат уларнинг қариндошларига берилади.

Ҳужжатда **2025 йил 1 январдан** босқичма-босқич асосда етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни жойлаштириш учун Андижон вилоятида Агентлик тизимидаги тиббий-ижтимоий муассаса ҳузурида, Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида Агентлик тизимидаги тарбия муассасалари ҳузурида ихчам болалар уйларини ташкил этиш назарда тутилади.

2025 йил 1 апрелдан бошлаб нодавлат сектор ижтимоий етимликнинг олдини олиш, етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни узоқ муддатли ёки қисқа муддатли асосда парвариш қилиш ва тарбиялаш хизматларини кўрсатиш жараёнига жалб этилади.

2025 йил 1 февралдан “Инсон” марказлари муқобил жойлаштириш шакллари асосида жойлаштирилган етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг қонуний вакиллари ҳисобланиши (васийлик, ҳомийлик ва болани фарзандликка олиш бундан мустасно) белгиланди.

“Инсон” марказлари ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-оналар ёки шахслардан боланинг соғлиғини тиклаш ва реабилитация қилиш учун қўшимча харажатлар суммасини бола фойдасига ундириш юзасидан судларга муурожаат қилганда давлат божи тўлашдан озод қилинади.

2025 йил 1 январдан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги “Меҳр дафтари” жамғармалари уларнинг амалдаги молиялаштириш манбалари ва пул маблағлари қолдиғини Давлат ижтимоий ҳимоя жамғармасига ўтказган ҳолда тугатилади.

Фармоннинг яна бир ўзига хос жиҳати сифатида “Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар дастури” тасдиқланганлигини эътироф этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 14 ноябрдаги ПФ-185-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларга ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатилишини таъминлаш чораларини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 27 декабрдаги “**Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари бўйича айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида**”ги қарори билан “**Ўзбекистон Республикасида вояга етмаган шахсларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик органи тўғрисида**”ги Низом³ тасдиқланди.

Низомга мувофиқ, болаларни қабул қилувчи оилага жойлаштириш “Инсон” марказлари қарори асосида, оилавий болалар уйларини ташкил этиш

³ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.12.2024 й., 09/24/893/1088-сон // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/7283077>

ва тугатиш – Миллий ижтимоий ҳимоя агентлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилиши мустаҳкамланди.

Бунда етим болалар ва ота-она қармоғисиз қолган болаларни аниқлаш, шунингдек бундай болалар ва уларни муқобил жойлаштириш шаклларида бири бўйича қабул қилишни хоҳловчи шахсларнинг ҳисобини юритиш “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” (ЯМИҲ) ахборот тизимида амалга оширилади.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда вояга етмаган болаларни ҳуқуқларини рўёбга чиқариш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишга тегишли бўлган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда, эски нормаларга замон талабларидан келиб чиқиб, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бу эса, мазкур соҳа давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан далолат беради.

Юқорида келтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосида Ўзбекистонда вояга етмаган шахсларнинг ҳимоясини кучайтириш ва васийлик-ҳомийлик тизимини янада такомиллаштириш учун қуйидаги тақлифлар ҳамда чора-тадбирлар тақлиф этилади:

биринчидан, бу соҳага тегишли бўлган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш орқали васийлик ва ҳомийлик тизимини халқаро стандартларга мос равишда янада ривожлантириш учун янги қонунчилик ташаббуслари ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

иккинчидан, назорат ва мониторинг тизимини кучайтириш, бунда васий ва ҳомийларнинг бола манфаатларига мос ҳаракат қилаётганини

тегишли органлар томонидан назорат қилиш бўйича мунтазам мониторинг тизимини жорий этиш;

үчинчидан, васий ва ҳомий бўлиш истагида бўлган шахслар учун махсус ўқув дастурларини ташкил қилиш ва уларни ижтимоий ёрдам билан қўллаб-қувватлаш тизимини кенгайтириш;

тўртинчидан, хорижий давлатлардаги муваффақиятли васийлик ва ҳомийлик тизимларини ўрганиш ҳамда илғор ривожланган давлатларнинг энг самарали жиҳатлари ва тажрибаларини миллий қонунчиликка имплементация қилинишини татбиқ этиш мумкин.

Мухтасар айтганда, васийлик ва ҳомийлик институти вояга етмаган шахсларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бу соҳада жиддий ислоҳотларни амалга ошириб келмоқда, шунингдек халқаро тажрибалардан фойдаланиш ва назорат механизмларини такомиллаштириш бу тизимни янада самарали қилади. Шу боис, келгусида мазкур институтнинг ривожланиши учун ҳуқуқий база ва ижтимоий ҳимоя чора-тадбирларини янада кучайтириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1) Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.11.2024 й., 06/24/185/0944-сон // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/7228799>.
- 2) https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/ijtimoiy_himoyaga_muhtoj_bolalarni_joylashtirishning_muqobil_shakllari_joriy_etilmoqda.



3) Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.12.2024 й.,
09/24/893/1088-сон // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/7283077>.